БИРДАМЛИКНИНГ БУЮК НАМОЙИШИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1988 йил 8 ноябрь
СЕШАНБА
№ 257 (4.456).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

МОСКВА. 1988 йил 7 ноябрь. Қизил майдон. Улуғ Октябрь социалистик революцияси 71 йиллигининг байрам қилиниши. В. И. Ленин Мавзолейи минбарида. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

БАЙРАМ САЛЮТИ

Қизил майдон узра курантларнинг тантанали жарангги янграйди. Курантлар тўққиз марта бонг урди ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги шарафига қаҳрамон шаҳар Москванинг оқшомги осмони тўплардан отилган байрам салютидан чароғон бўлиб кетди.

7 ноябрь куни байрам шарафига иттифоқдош республикалар пойтахтларида, Қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда, Қаҳрамон Брест қальасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида ҳам салют берилди.

(ТАСС).

ҲАРАКАТИМИЗ ШИТОБИ

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Байрам намойиши қандай кучайиб боришини кўрганмисиз? Эрта тонгда уйдан чиққан кишилар колонналарга тизиладилар, улар Қизил майдонга қараб келувчи бамисоли азим дарёга ирмоқ бўлиб қўшилаверадилар. Мана бугун, 7 ноябрь куни мана шу жозибадор ҳаракатга қараб, уни совет жамиятидаги жўшқин жараёнларга қиёс қиласан, киши. Қайта қуриш ҳам онгли ҳаракат қилиш зарурати туфайли ҳар бир кишини оёққа турғазди, одамлар оммасини социал ижодкорликка жалб этди, бутун халқни ҳаракатга келтирди. КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳаракатимизга тўғри ва ишончли йўл-йўриқлар берди. Демократиялаш, ошкоралик, иқтисодий ва сиёсий ислоҳот мана шу йўл-йўриқлардир.

Ҳозир аниқ-равшан кўзга ташланаётган ўзгаришлар социалистик ғояларнинг ҳаётийлигини қайта-қайта исботлаб турибди. Қизил майдонда бугун бўлаётган тантана ҳам 1917 йилнинг Октябрида танлаб олган йўлимиз тўғрилигининг далилидир.

Мамлакатнинг бош майдони байрамона либосда. «Октябрь — янги дунёни бунёд этиш дебочаси» деб аталган жозибадор панно тарих музейи биносидан байрам намойиши қатнашчилари кўзига яққол ташланиб турибди. Ишчилар ва деҳқонларнинг дунёда биринчи давлатининг график рамзлари — Ўроқ ва Болға, беш қиррали юлдуз ҳам унинг ёнидан жой олган.

Бош универсал магазин пештоқининг марказига В. И. Лениннинг салобатли портрети қўйилган. Ильич портретининг сўл тарафидаги паннога ёзилган ўша қаҳрамонона йилларнинг шиорлари ҳозир айниқса актуал бўлиб янграйди: «1917 — Бутун ҳокимият Советларга», «Революция», «Ер — деҳқонларга». Ўнг томондаги паннода давримизнинг моҳиятини ифодаловчи: «Қайта қуриш, янгича сиёсий тафаккур», «1988 — ҳаракат даври, амалий иш даври» сўзларини ўқиймиз.

Кремль деворига 15 иттифоқдош республиканинг рангдор герблари қўйилган. Уларнинг СССР Давлат герби теварагидаги бирлашуви мамлакатимиз қардош халқларининг тенглигини ифодалайди.

Меҳмонларга ажратилган минбарлар гавжум. Ленин партиясининг ветеранлари, Октябрь революциясининг қатнашчилари, Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари, меҳнат илғорлари, фан ва маданият арбоблари, космонавтлар шу ерда туришибди. Дипломатик корпус ҳам ҳозир бўлган.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларини Қизил майдонга тўпланган кишилар қарсаклар билан кутиб оладилар.

М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, О. Д. Бакланов ўртоқлар Мавзолей марказий минбарига кўтариладилар.

Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда ҳозир бўлганлар.

Қизил майдонда Москва гарнизонининг қўшинлари байрамона бир текис саф тортиб турибдилар.

Спасск минорасидаги курант соат 10 бўлганидан дарак беради. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри армия генерали Д. Т. Язов парад қўмондони армия генерали К. А. Кочетовнинг рапортини қабул этиб, қўшинларнинг сафларини машинада айланиб чиқади, парад қатнашчиларини байрам билан табриклайди.

Сўнгра армия генерали Д. Т. Язов минбарга чиқиб, нутқ сўзлайди.

Ўртоқ Д. Т. ЯЗОВ нутқи

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Ҳурматли чет эллик меҳмонлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан ҳамда уларнинг топшириғига биноан сизларни умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

Большевиклар партияси раҳбарлигидаги Россия ишчилар синфи, меҳнаткашлари ҳокимиятни қўлга олиб, социализм қура бошлаган тарихий кунларнинг улуғлиги бизнинг давримизда янада тўлиқроқ намоён бўлмоқда. Улуғ Октябрдан кейин совет кишиларининг кўп авлодлари қилган ҳамма ишлар социалистик жамиятни муваффақиятли қайта қуриш учун пойдевор бўла олади. КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўл изчиллик билан турмушга татбиқ этилмоқда.

Ҳозир Совет Иттифоқи ўз социал-иқтисодий тараққиётининг мамлакат тақдири учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган масъулиятли босқичида турибди. Жамиятдаги маънавий-сиёсий иқлим ўзгарди. Экономикани соғломлаштириш жараёни, уни меҳнаткашлар турмуш шароитини ҳар томонлама яхшилаш сари буриб юбориш жараёни бошланди. Қайта қуриш миллион-миллион совет кишиларининг амалий иши бўлиб қолди.

Умуминсоний манфаатларнинг устунлигига асосланувчи янгича сиёсий тафаккур, Совет Иттифоқи билан қардош социалистик мамлакатларнинг ҳам ядровий, ҳам оддий урушнинг олдини олишга, ҳарбий қудратни етарли даражадаги оқилона миқдоригача қисқартиришга қаратилган куч-ғайратларини жаҳон жамоатчилиги, кўпгина давлатларнинг раҳбарлари тобора кўпроқ тушуниб қўллаб-қувватламоқдалар. Антисоветизм сохтакорликлари, «Совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги асоссиз уйдирмалар аста-секин барбод бўлмоқда. Амалда ядровий қуролсизланиш бошланишига, маҳаллий можароларни амалий равишда бартараф этишга асос солинди.

Бироқ жаҳон тараққиётидаги илғор тенденциялар, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш жараёнлари ҳозирча муқаррар тус олгани йўқ. Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини йўқ қилиб ташлашга эндигина киришилиши биланоқ, турли йўллар билан унинг ўрнини тўлдириб олиш, оддий қурол-яроғларни янгилаш, кўпайтириш, «самовий урушлар» программасини жадаллаштириш хусусидаги даъватлар дарров янграй бошлади.

(Давоми иккинчи бетда).

РЕВОЛЮЦИОН ҚАДАМ ТАШЛАНГИЗ

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Совет кишилари Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрамини етмиш биринчи марта нишонламоқдалар. Ҳар сафар биз дунёда биринчи социалистик давлат пайдо бўлган ўша шонли кунларга қайтгандек бўламиз.

Тошкентда қадимий анъаналар ўша шонли кунларни эслатади: ҳар йили шу куни шаҳар завод гудогидан уйғонади. Гудок аллақачондан буён Тошкент тепловоз ремонти заводининг музейига қўйилган. Собиқ бош темир йўл устахонасини — революция таянчи, ишчилар қалъаси бўлган заводни ҳозир тепловоз ремонти заводи деб атайдилар. Музейда сақланаётган гудок бундан 71 йил муқаддам бўлгани каби эрталаб роппа-роса соат 6 да садога киради. У революциянинг бошланганини эслатиб тургандек...

Лекин революция давом этмоқда, шоир сўзлари билан айтганда, «Революцион қадам ташлангиз» деб бугун ҳам даъват этмоқда. Ҳозир совет жамияти ҳаётида амалга оширилаётган қайта қуриш революцияга тенгдир — у ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишни кўзда тутади.

Қайта қуриш тошкентликлар ҳаётига мустаҳкам кириб келаётганлигини, тобора кўпроқ одамлар унинг шунчаки тарафдори эмас, балки қайта қуриш ғояларининг актив амалга оширувчиларга айланаётганлигини шаҳарнинг кўчалари, проспектлари ва хиёбонларининг байрамона безагидан ҳам «уқиб» олиш мумкин. Еттинчи ноябрь куни эрта тонгданоқ одамлар байрамона безатилган ана шу кўчалар ва хиёбонлардан бугунги байрам тантаналари марказига — улуғ Ленин номи билан аталган майдонга кела бошладилар. Кўпдан-кўп байроқлар, транспарантлар ва плакатлар анъанавий ол рангда. Аммо уларга битилган хабарларнинг мазмуни ва услуби тубдан ўзгармоқда — баландпарвоз, уйдирма рапортлар ва ваъдалар анча камайди. Эндиликда умумий тантана кунларида биз қилинган ишлар тўғрисида амалий ҳисоб бера бошладик.

Бундан 71 йил муқаддам бўлгани каби «Бутун ҳокимият — Советларга!» шиори ҳозир ҳам, айниқса, актуал жарангламоқда. Партия барча босқичдаги Советларга реал ҳокимиятни қайтариб бериш йўлига қатъий ўтиб олди — Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, халқ депутатлари сайлови тўғрисида яқинда эълон қилинган Қонун лойиҳалари шундан далолат бериб турибди. Бу Қонунларнинг қабул қилиниши ҳозир «турғунлик» деб аталаётган йилларда йўл қўйилган кўпгина хатоларни тузатишга имкон беради.

В. И. Ленин номли майдонда чиройли безатилган СССР ва қардош иттифоқдош республикаларнинг байроқлари ҳилпираб турибди. Ҳарбий парад ва Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари намойиши бошланишига ҳамма нарса тайёр.

Меҳмонларга аталган минбарлар одамлар билан тўла. Бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, революцион ҳаракат ветеранлари, Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, интернационалист жангчилар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, кўп сонли чет эллик дўстлар ҳозир бўлганлар. Соат 10. Ҳукумат минбарига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Н. Нишонов, В. П. Анишчев, Д. Д. Берков, В. А. Головин, Ғ. Ҳ. Қодиров, П. Қ. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, А. Е. Ефимов, Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Р. Отажонов, И. Искандаров, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Суданенков кўтариладилар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали Н. И. Попов усти очиқ машинада майдонга кириб келади. У парад қўмондонининг рапортини қабул қилиб олиб, унинг ҳамроҳлигида саф тортган бўлинмаларни айланиб чиқади, жангчилар билан саломлашади. Сўнгра ҳукумат минбарига кўтарилиб, туркистончи жангчиларга, Тошкент ва бутун Ўзбекистон меҳнаткашларига қарата нутқ сўзлайди. Н. И. Попов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукуматининг номидан ва улар топшириғига мувофиқ ҳаммани умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги билан табриклайди ва қутлайди.

(Давоми иккинчи бетда).

Кремлнинг Съездлар саройида байрам қабули

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети 7 ноябрь куни Кремлнинг Съездлар саройида қабул маросими уюштирдилар.

Қабул маросимида **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов** ўртоқлар ҳозир бўлдилар

Залда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Ленин партиясининг ветеранлари, Октябрь революциясининг қатнашчилари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, таниқли фан арбоблари, маданият усталари, ҳарбий бошлиқлар, Қизил майдондаги ҳарбий парад иштирокчилари бор эдилар.

Тантаналарда қатнашиш учун мамлакатимизга келган бир қанча коммунистик ва ишчи партияларнинг таниқли арбоблари, чет эллик бошқа меҳмонлар, ажнабий давлатларнинг Москвадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, руҳонийларнинг намояндалари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев ҳозир бўлганларга мурожаат этиб, нутқ сўзлади.

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар, дўстлар! Хонимлар ва жаноблар!

Октябрдан кейинги яна бир йил тарихдан жой олди. Аммо биз ҳаммамиз бу йил бизни Октябрдан, партия ва Ленин ҳозирлик кўриб, бошчилик қилган Россия революциясининг мақсадларидан олислаштирмай, балки бизни яқинлаштирганини ҳис этаётган бўлсак керак. Мен ҳатто буни сезги эмас, балки кучайиб бораётган ишонч деб айтган бўлур эдим. Бу ишонч эса қайта қуришнинг бориши билан, амалга оширилаётган ўзгартишларнинг революцион мазмуни, жамият турмушининг жўшқин характери билан мустаҳкамланмоқдаки, шу жамиятда биз Ватан тақдиридаги ўша олис ва буюк бурилишнинг шиддати ва ғайрат-шижоатини яна ҳис этмоқдамиз.

Мамлакат қад кўтариб, олға ҳаракат қилаётгани ҳозирги палланинг ўзига хос хусусиятидир. Мамлакат бизнинг идеалларимизга муносиб бўлган, ҳозирги замон мезонларига мос келадиган социализм сари ҳаракат қилмоқда. Мамлакат халқимиз аллақачон муносиб бўлган ва унинг манфаатлари йўлида жуда кўп нарсаларга бардош бериб, ғоят кўп қаҳрамонликлар ва сўнмас зафарларни амалга оширган жамият сари ҳаракат қилмоқда.

Биз революциянинг янги босқичини бошлай туриб, машаққатли ўтиш даврига дуч келишимиз мумкинлигини билар эдик. Эндиликда биз шундай даврга қадам қўйдик. Ҳали бизнинг ҳамма ишларимиз ҳам рисоладагидек кетаётгани йўқ. Биз истаганимиздек ва қўлимиздан келиши мумкин бўлганидек тезликка ҳали унча эриша олмаяпмиз. Лекин ҳозирдаёқ миллионлаб кишилар қайта қуришга қўшилдилар. Улар учун қайта қуриш турмуш ва фаолият тарзи бўлиб қолди. Бундан бошқа йўл йўқ эканига улар ўз тажрибасида ишонч ҳосил қилдилар. Ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, ёшларнинг барча ижодий кучлари ўз тақдирини, ўзларининг шахсий ва жамоат манфаатларини, фарзандларининг ва бутун мамлакатнинг келажагини қайта қуриш билан боғламоқдалар.

Ўртоқлар, шундай кунда қайта қуриш — халқимиз 1917 йилнинг октябрида танлаб олган социалистик йўлнинг бевосита давоми эканини эслатиб ўтиш айниқса жоиздир. Ўша пайтдан буён революциямизнинг энг асосий қадриятлари, ҳатто Советлар мамлакати учун энг машаққатли даврларда ҳам унинг тараққиёт манбаи бўлиб келди.

(Давоми иккинчи бетда).

Кремлнинг Съездлар саройида байрам қабули

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ҳозир ҳам мамлакатимиз халқлари шунга асосланадиларки, у фақат социализм йўлидагина XXI асрга муносиб равишда қадам қўйиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз тарихий хизматлари ва имкониятларига муносиб бўлган ўринни эгаллай олади.

Қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик сиёсати, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, жамиятни социал ва маънавий жиҳатдан соғломлаштириш, социализмнинг моҳиятини бузган барча иллатлардан халос бўлиш кўп миллатли федератив давлатимизни ҳам янги тараққиёт даражасига олиб чиқди. Ўз навбатида барча совет халқларининг бирлиги, дўстлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги — улардан ҳар бирининг бундан буёнги тараққиёти гарови ва умуман қайта қуриш муваффақиятининг асосий шартидир.

Бир йил муқаддам биз ташқи сиёсат соҳасида янги ғоялар ва ташаббуслар билан Октябрнинг саксонинчи йилига қадам қўйган эдик. Мамлакатдаги қайта қуришнинг яққол кўринib турган воқеликлари халқаро вазиятни яхшилаш жараёнида фаол иштирок этаётганимизга ишонарли тус бағишлади. Бу йил ҳозирги давр учун ҳам, келажак учун ҳам принципиал аҳамиятга эга бўлган қарорлар ва ҳаракатлар билан нишонланди. Жаҳон сиёсати шундай бир маррага чиқмоқдаки, эндиликда унинг олдида инсониятнинг омон қолишини таъминлаш вазифасигина эмас, шу билан бирга ўз йўлини эркин танлаб олишни ҳурмат қилиб ва манфаатлар мутаносиблигини сақлаб қолиб, ядросиз ҳамда зўравонликсиз дунёни барпо этишни биргаликда ўйлаб кўриш имконияти ҳам пайдо бўлмоқда.

Ҳозирча инсониятга оғир юк бўлиб турган барча қийинчиликлар ва хавф-хатарларга қарамай, ҳали инсоният ҳал этиши лозим бўлган вазифалар ғоят катта бўлишига қарамай, ҳар ҳолда ўтган йил ана шу вазифаларнинг ҳал этиб бўлинишига ишончни оширди, деб айтиш мумкин, деб ўйлайман.

Азиз ўртоқлар, сизларни яна бир бор муборакбод этаман. Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик ва бизга ҳозир айниқса зарур бўлган бардамлик тилайман.

Социалистик мамлакатларнинг халқларини ва чет эллардаги барча дўстларимизни, шу жумладан залда ҳозир бўлган дўстларимизни қутлайман: улар ҳам янги дунёнинг бунёдга келиши билан боғлиқ бўлган шу кунни нишонламоқдалар.

Тантаналаримизда иштирок этган ва бу ерда ҳозир бўлган чет давлатларнинг намояндаларига эзгу истаклар билдираман.

Бизга табрикномалар йўллаган давлатлар, ҳукуматлар, партиялар, ташкилотларнинг раҳбарларига ва айрим гражданларга миннатдорчилик изҳор қиламан.

* * *

М. С. Горбачевнинг нутқи давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Қабул маросими самимий, байрамона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ҲАРАКАТИМИЗ ШИТОБИ

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш чоғида мана шуларнинг ҳаммасини муносиб равишда чамалаб, эътиборга олмоқдалар. Совет мудофаа қурилишининг самарадорлиги асосан сифат кўрсаткичлари орқали таъминланмоқда. Бу иш бизнинг мудофаа доктринамизга, оқилона етарлилик принципига қатъий мувофиқ равишда олиб борилмоқда.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Совет Армиясида ва Ҳарбий-Денгиз Флотида ҳам қайта қуриш жараёни чуқурлашмоқда. Қўшинларнинг жанговар шайлиги оширилмоқда, шахсий составнинг маҳорати такомиллашмоқда, интизом ва тартиб мустаҳкамланмоқда. Ватанни ҳимоя қилиш учун бизда зарур нарсаларнинг ҳаммаси — биринчи даражали техника ва қурол-яроғ, бой жанговар тажриба, ажойиб кишилар бор.

Совет жангчилари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини Варшава Шартномасидаги мамлакатлар қардош армияларининг жангчилари билан ягона бир сафда туриб бажармоқдалар.

Октябрь ғояларига, Улуғ Ленин ишига, КПССнинг янги йўлига садоқатли Совет Қуролли Кучлари совет халқининг тинч меҳнати ва социалистик ғалабалари посбонлигида мустаҳкам турибдилар.

Ура!

* * *

Кўп овозли «Ура!» хитоблари янграйди. Совет Иттифоқининг Давлат Гимни чалинади, тўплардан берилган салют овозлари гумбурлайди.

Кўп йиллик анъанага кўра ҳарбий-музика билим юртининг талабалари майдонга биринчи бўлиб кириб келадилар. Улар ижро этаётган куйларга минг кишилик қўшма оркестр жўр бўлади.

Армия ва флот офицерлар корпусининг гуллари ва келажаги бўлган ҳарбий академиянинг тингловчилари, Олий ҳарбий билим юртларининг курсантлари саф тортиб кириб келадилар.

Келишган йигитлар — суворовчилар ва нахимовчилар майдонга кириб келишганида минбардаги кишилар ўртасида жонланиш сезилди. Яқин орада Ватанимиз ularга боболар ва оталарнинг жанговар анъаналарини асраш ва кўпайтиришни ишониб топширади.

Қўшма оркестр садосини моторларнинг гуруллаган овози босиб кетди. Тарих музейи биносининг икки томонидан М. И. Калинин номли гвардиячи мотоўқчи Тамань дивизиясининг жанговар машиналари кела бошлади. Парашют-десант полкининг ҳайдовчилари ҳам юксак маҳоратларини намойиш этдилар. Десантчиларнинг жанговар машиналари Ўрнини Ю. В. Андропов номидаги гвардиячи танкчи кантемировчилар дивизиясининг колонналари эгаллайди.

Ўзиюрар артиллерия қурилмалари, тарихи машҳур «Катюша»лардан бошланган реактив артиллериянинг жанговар машиналари, зенит-ракета комплекслари, қуруқликдаги қўшинларнинг ракета қурилмалари ўтмоқда.

Бир неча йилдан буён Қизил Майдондаги парад сафларида стратегия ракеталари ўтаётгани йўқ. Бу янгича фикрлаш далолатидир, шундай фикрлашнинг тантанаси ўртача ва камроқ олислик ракеталари тўғрисида тарихий Совет — Америка шартномасининг имзоланишига сабаб бўлди. Сариўзак ва Капустин ярдаги портлатишлар ғолиб чиққан ақлидрок шарафига салютдек янграмоқда, бу ерларда шартномага кўра камроқ ва ўртача олислик ракеталари планли тарзда йўқотиб юборилмоқда. Бу ҳаракат, ядросиз дунёни бунёд этиш йўлидаги ҳаракатдир. Ядро ракеталарининг бутун бир туркуми аслаҳахоналардан чиқариб, йўқ қилинмоқда. Уларнинг намуналари фақатгина кўргазма экспозицияларида қолади. Ҳозирнинг ўзидаёқ СССР Қуролли Кучларининг марказий музейига ғайри оддий нарсалар яъни РСД-10 ракетаси портлатилишидан кейинги бўлаклари қўйилган. Агар қуролсизланиш жараёни тўғрисида янги битимлар имзоланадиган бўлса, жаҳондаги ҳарбий музейларда ана шундай экспонатлар кўпайиб бораверади.

Мавзолей ёнидан қўшма ҳарбий оркестрнинг ўтиши параднинг якунловчи садоси бўлди.

Қизил Майдон ҳақиқатан ҳам қизил тус олди: майдонга 1800 нафар байроқдор кириб келди. Владимир Ильич Ленин портрети қирмизи байроқлар билан ўралган. Майдон узра «Улуғ Ленининг номи ва иши асрлар бўйи яшайверсин!» — деган шиор янграйди. Пионерлар партия ва Совет давлатининг раҳбарларига гуллар тақдим этадилар.

Қизил Майдонга намойишчилар кириб келадилар. Колонналар олдидаги қурилмага Москва байроғи қадалгандир. Бу машинага шу йилнинг тўққиз ойи натижаларига кўра ибрат кўрсатган пойтахтимиз районларининг вакиллари чиқишган. Улар орасида иқтисодчи олим Р. Вартанов, «Знамя» машинасозлик заводи йиғувчи-слесарлар бригадасининг бошлиғи А. Григорьев, Москвадаги олий техника билим юртининг студенти О. Коваленко, муаллима А. Корнеева, махсус қотишмаларга ишлов берувчи заводининг токари Б. Кистрин, врач-педиатр О. Потапова бор. Улар қайта қуришга муносиб ҳисса қўшганликлари, меҳнатдаги, ўқишдаги, социалистик мусобақадаги муваффақиятлари учун намойишни бошлаб беришдек фахрий ҳуқуқни қўлга киритдилар.

Қайта қуришимиз учун ҳар бир одам адоқли ва зарурдир. Намойишчилар илғорлар ва новаторларнинг портретларини кўтариб бормоқдалар, бу эътиборга лойиқдир. Биз ҳаммамиз шунчаки ишрочилар эмас, балки ақл идрок билан иш юритувчи кишилар бўлишга ҳақлимиз. Жамиятимизнинг туб иқтисодий, сиёсий ислоҳоти шунинг учун амалга оширилмоқда. Хўжалик ҳисоби, ижара пудрати, Советларнинг хўжаликдаги ролини ошириш, демократиялаш ва ошкоралик — буларнинг ҳаммаси совет кишиси ўзини хўжайин деб ҳис этиши учун шарт-шароитлардир. Иш жойида, шаҳрида, мамлакатида у ўзини хўжайин, деб ҳис этиши керак.

Москвадаги учинчи мебель фабрикаси пардозловчилар бригадасининг бошлиғи Марина Васильевна Кисилеванинг катта фото суратини пойтахтдаги ана шу тармоқнинг энг кекса корхонаси сафларидаги ҳамкасблар кўтариб ўтишди, бу суратга бригадир ўзининг аҳил коллективи билан биргаликда тушган. Унга сўз берамиз.

— Байрам шарафига бизнинг Бауман районимиз халқ учун планга қўшимча тарзда 18 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бунда бизнинг ҳиссамиз ҳам бор: бригадамиз байрам арафасида беш йилликнинг уч ярим йили топшириғини бажарди. Бунга сифат эвазига эришган бўлишса керакда, деб ўйламанг, зинҳор бундай эмас. «Ольховка» деган корпусли мебелни кўргандирсиз? Бу бизнинг маҳсулотимиз. Магазинларда унинг бозори чақкон. Мебелнинг сифати яхши. Энди биз харидор эҳтиёжини қондиришимиз керак.

Қизил майдонда «Правда» газетасининг катта макети пайдо бўлади. Қўш саҳифага «ошкоралик» деган сўз ёзилган. КПСС Марказий Комитети «Правда» нашриёти босмахонасининг матбаачилари майдондан ўтмоқдалар. И. А. Шкуратов кўп йиллардан бери ана шу корхонада ишлайди.

— Биз жаҳон аҳли фақат эртанги газеталардан билиб оладиган янгиликларни биринчи бўлиб ўқиймиз, — деди Иван Алексеевич. — «Правда» газетаси ва бошқа нашрларни чиқарар эканмиз, ошкоралик, демократиялаш кун сайин кенгайиб бораётганлигини кўриб турибмиз. Лекин матбуотдаги ана шундай ўзгаришлар ҳаммага ҳам маъқул бўлмаяпти. Дарвозалари таңқид учун тақа-тақ ёпиб қўйилган зоналарсиз яшашга кўникмаган, бусиз яшай олмайдиган ва яшашга қодир бўлмаган кимсаларга бу айниқса ёқмаяпти. Менинг ва ўртоқларимнинг яқдил фикри мана бундай: қайта қуриш учун ошкоралик ҳаводек зарур.

Ҳаракатлар даври, амалий ишлар даври келди. Транспарантлар ҳам худди ана шулар ҳақида ҳикоя қилади. Кунцево район колонналаридаги намойишчилар кўтариб бораётган транспарантга «Москва машинасозлик корхоналарида жаҳон стандартлари даражасида маҳсулот тайёрлаш бир йил ичида 27 процентдан 40,8 процентга кўтарилди» деган сўзлар ёзилган. Бинокорлар «Йил бошидан бери Москвада 39 мингта янги шинам квартиралар фойдаланишга топширилди» деб ҳисоб бермоқдалар. Фрунзе районининг намойишчилари кўтариб бораётган транспарантдан маълум бўлишича, бу йил 7 минг нафар жажжи москваликлар янги болалар боғчалари ва яслиларга қатнай бошладилар. Бунга яна қуйидагиларни илова қилса бўлади: учта поликлиника фойдаланишга топширилди, Москвада 77 та янги магазин, Бабушкино районида колхоз бозори очилди. Булар ҳам экономикамиз одамларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишга қайта йўналтирилаётганлигининг кўрсаткичидир.

Пойтахт Тимирязов районининг транспарантларида ёзилишича, «Москва кам вольтли аппаратлар заводи» «кооператив корхонаси» бунёд этилибди. Бундан бир неча ой муқаддам СССР электротехника саноати министрининг буйруғи билан ушбу корхона норентабель корхона сифатида тугатилган эди. Аммо коллектив завод тақдирини замон руҳига кўра ҳал этди. Ходимлар 200 кишига (асосан бошқариш аппарати ҳисобига) қисқартирилиб, корхона ижарага олинди. Ижара усули хўжайин туйғусини тез тарбиялаяпти. Хўжайин эса бутун куч ғайратини ишга солиб меҳнат қилмоқда. Биринчи ойдаёқ меҳнат унумдорлиги 6 процентдан кўпроқ ўсди.

Қизил Майдон остонасидаги қияликдан, яъни пойтахтдаги энг кичик магистраллардан бири бўлган Исторический проездидан одим ташлаб келаётган ёшлар майдонга кираверишда иноқлик билан қўлни-қўлга бердилар. Бундан бир неча ой муқаддам худди ана шу ерда тупроқ қазиётган экскаваторни тўхтатиш учун ҳам ёшлар худди шундай таҳлитда унинг йўлини тўсган эдилар. Ўшанда бу экскаватор қатламлардан тупроқни эмас, балки тарихимизнинг моддий ёдгорлигини кавлаб оёқости қилаётган эди. Шаҳарнинг чинакам ватанпарвари бўлган йигит-қизларнинг ғайрат-шижоати туфайли Исторический проездидаги ремонт ишлари тўхтатиб қўйилди ва бу ерга археологлар келишди. Кўп ўтмай бу ерда ноёб ёдгорлик — қайин пўстлоғида ёзилган Москванинг биринчи ёрлиғи топилди. Қазишмалар чоғида Китай —городнинг Воскресенье дарвозаси, чоғроқ Ивер ибодатхонаси ва пул зарб этиладиган сарой пойдеворлари, XIII—XV асрлардаги Москва посадининг иморатлари, Неглинная дарёсига солинган тош кўприкнинг қолдиқлари топилди. Булар шунчаки фактларгина бўлиб қолмай, балки тарихимизнинг нишоналаридир. Эндиликда биз тарихимизга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқдамиз. Тарихга ҳалоллик билан қараш бизга келажакни бунёд этиш учун куч-қувват бахш этади, социалистик идеалларимизга ишончимизни мустаҳкамлайди.

Майдон узра Октябрь инқилоби кунларидан бизга мерос бўлиб қолган «Бутун ҳокимият — Советларга!» шиори кўзга яққол ташланиб турибди. Ҳозир биз бу шиорга қандай мазмун бахш этмоқдамиз?

— Бизнинг хўжалик мустақиллигимиз эндиликда реалликка айланмоқда, деб ҳикоя қилади Бауман район ижроия комитетининг раиси В. Коробченко. — Бунинг моҳияти территориал ва идоралар манфаатларини уйғун тарзда қўшиб олиб боришдир, районда жойлашган корхоналар ва муассасалар билан ўз муносабатларимизни ўзаро фойдали иқтисодий негизда қуришдан иборатдир. Айтайлик, меҳнат коллективлари уй-жойларни реконструкция қилишга, райондаги мавжуд социал-маданий-маиший объектларни мустаҳкамлашга ва янгиларини қуришга бел боғлашди. Бу ҳолда улар ўрнига — ўрин уй-жойнинг бир қисмини оладилар, турли хизматлардан фойдаланишда қўшимча имкониятларга эга бўладилар.

Бугун ва айниқса эртага қайта қуришнинг муваффақияти ҳал қилувчи даражада ёшларнинг қўшадиган ҳиссасига боғлиқ бўлади. Биз колонна сафида борар эканмиз, Москвадаги зарбдор комсомол қурилишлари штабининг бошлиғи, «Меҳнат ташаббуси» ёшлар уюшмасининг раҳбари В. Осипов билан танишдик.

— Бу байрамни айниқса яхши кайфият билан кутиб олмоқдаман, — дейди Владимир. — Куни кечагина Михаил Сергеевич Горбачев Москва ва Москва области ёшлари билан учрашди. Михаил Сергеевич уюшмамиз ишига юқори баҳо берди. Бу бизни янги ташаббусларга илҳомлантиради. Кимки Москва тарихини эъзозлаётган бўлса, уларни Разин кўчасига таклиф этамиз. Биз таъмирчиларга ёрдам бермоқдамиз. Болалар ўйнайдиган майдончалар билан спорт майдонларини қурмоқдамиз ҳамда ремонт қилмоқдамиз, шаҳарнинг яшил зоналарини ободонлаштиряпмиз.

Фанфаралар янграйди. «Спорт қаҳрамонларига» маршининг садолари остида майдонга спортчилар кириб келишади. Очиқ автомашиналарда XXIV олимпия ўйинларининг чемпионлари ва совриндорлари бўлган москваликлар ўтадилар. 61 нафар пойтахтлик спортчи олтин, кумуш ва бронза мукофотларига сазовор бўлди. Булар орасида гимнастикачи Дмитрий Билозерчев, сузувчи Владимир Сальников, футбол командасининг капитани Виктор Лосев бор. Майдон жуда катта спорт майдончасига айланиб кетади. Енгил атлетикачилар, гимнастикачилар машқлар бажаришади, велосипедчилар елиб ўтадилар. Ёш физкультурачиларнинг маҳорати совет спортининг бундан буёнги ғалабалари гаровидир.

Москва ва Москва областининг фольклор коллективлари намойишни якунлайдилар. Рус халқ қўшиқлари янграйди, шўх рақслар куй-қўшиққа уланиб кетади. Яна марш садолари янгради. Шундай қилиб мамлакат бош майдонидаги тантаналар якунланди, аммо байрам давом этади.

«Қайта қуриш кучи фақат гудок беришга етган локомотив ҳолига тушиб қолмаслиги учун биз ҳамма ишларни қилишимиз керак, — деди М. С. Горбачев Москва шаҳри ва области ёшлари билан учрашувда. — Биз сигнал бердик, гудок янгради, энди эса нечоғли қийин ва мураккаб бўлмасин, ҳаракат қилишимиз, ҳаракат суръатини оширишимиз керак».

Революцион ўзгаришлар ҳеч қачон осонлик билан бўлмаган. Омманинг жонли ижодини уйғотган қайта қуриш шунчаки тарафдорларнигина тобора кўп орттиравермай, ушбу жуда катта бунёдкорлик ишларининг фаол қатнашчилари ҳам қўлайиб бормоқда. Социализм йўлидаги шитобли ҳаракатимизнинг гарови ҳам худди ана шундадир.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ. 1988 йил 7 ноябрь. В. И. Ленин номли майдон. Меҳнаткашларнинг байрам намойиши.

Революцион қадам ташлангиз

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари каби тўкистончи жангчилари ҳам Улуғ Октябрнинг 71 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Совет жамиятида амалга оширилаётган қайта қуриш жараёнлари халқ фарзанди бўлган, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга, ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажаришга ҳамиша тайёр турган Армияга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир.

Округ жангчилари Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш учун партия ва халқ олдидаги масъулиятларини англаб, жанговар маҳоратни қатъият билан такомиллаштирмоқдалар, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш юзасидан фаол иш олиб бормоқдалар. Қисмларда ва бўлинмаларда социалистик мусобақа кенг тус олмоқда, коммунистлар ва комсомоллар, генераллар, офицерлар ва солдатлар КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ўртага қўйган вазифаларни тўлатўкис бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

Майдонда саф тортиб турган қўшинлар округ қўшинлари қўмондони нутқини диққат билан тингламоқдалар. Яна бир неча минутдан сўнг улар мардлик ва жасоратни, фидокорлик ва жанговар маҳоратни, совет жангчилари барча авлодлари учун характерли бўлган фазилатларини намойиш қилиб, минбар ёнида саф тортиб ўтадилар.

Минбарлардан эса уларга деярли ёшлари тенг бўлган йигитлар қараб туришади, фақат улар гражданча байрам кийимидадирлар. Бу кийимларга жанговар орден ва медаллар қадалган. Булар интернационалистлардир. Масалан, Р. Қудратов Армияда хизмат қилган вақтида парадда бирон марта ҳам қатнаша олмади — жафокаш Афғонистон диёрида парад ўтказишга вақт йўқ эди. ўз жанговар маҳоратини парадлар майдонида эмас, балки жанговар операцияларда намойиш этишига тўғри келди. Қизил Юлдуз ордени ва «Жасурлик учун» медали Р. Қудратов барча имтиҳонлардан аъло даражада ўтганлигидан далолат беради.

— Жанг пайтида сен қаҳрамонлик қиляпсанми ёки йўқми, бу ҳақда ўйлаб ўтирилмайди, ўз ишингни яхшилаб бажаришга ҳаракат қиласан, дейди у. — Чунки, ўртоқларинг ҳаёти кўпинча сенга боғлиқ бўлиб қолади. Бугунги парад қатнашчиларига ана шу оддий ҳақиқатни ҳамиша эсда тутишни тилайман, бу ҳақиқат бўлмаса Армия ҳам бўлмайди.

Команда берилади ва қўшинлар ҳаракатга келади. Ҳарбий билим юртларининг курсантлари, мотоўқчилар, округдаги қўшинлар бошқа турларининг вакиллари саф-саф бўлиб ўтадилар. Парадлар хиёбони томонидан моторларнинг гуруллаши баралла эшитила бошлайди — майдонга қудратли ҳарбий техника кириб келмоқда. Йўқ, биз урушни хоҳламаймиз, ҳеч кимга ҳужум қилмоқчи ҳам эмасмиз, аммо Октябрь ғалабаларига ҳеч кимнинг чанг солишига ҳам йўл қўймаймиз — парад қатнашчилари айни ана шуни намойиш қилмоқдалар.

Мана, майдон ҳилпираётган байроқларга тўлади — театрлаштирилган томоша бошланади. У бу йил «Сўнмас у кунлар шуҳрати» шиори остида ўтказилмоқда.

Ҳар биримиз учун азиз инсон — Владимир Ильич Ленининг улкан портрети ўрнатилган машина олти юз нафар байроқдор қуршовида майдон бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Унинг орқасида келаётган машинада «Бутун ҳокимият — Советларга!» деган шиор бор.

Фон ҳосил қилувчи группадаги юзлаб йигит ва қизлар «Аланга тиллари» композициясини ифодалайди ва шинелларини ўраб, бўйнига осиб олган милтиқли солдатлар қуршовида келаётган «Революция паровозига» йўл очиб берадилар. Уларнинг ёнида революциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларининг тимсоли бўлган ишчи ва деҳқонлар боришмоқда.

«Жонли картиналар» бирин-кетин алмашади. Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ансамблининг артистлари «Революция енгилмасдир» хореографик композицияни ижро этадилар. Фольклор группаларининг иштирокчилари, профессионал ва ҳаваскор театрларнинг актёрлари Туркистонда Советлар ҳокимияти ғалабасини ифодаловчи ёркин спектаклни намойиш этадилар. Спектакль давомида оташин шоир Ҳамза шеърлари янграйди.

Майдонга янги колонналар кириб келади. «Октябрь, 1917—1988» транспаранти ўрнатилган автомобилни одамларнинг катта бир группаси ўраб олган. Булар уруш ва меҳнат ветеранлари, партиянинг гвардиясидир. Совет ҳокимиятини ўрнатган, оғир жангларда уни ҳимоя қилган энг яхши кишилар ўтиб бормоқда, уларнинг кўкракларида орден ва медаллар порлайди. Улар бугун ҳам революцион ғояларга садоқат рамзидирлар.

Ёш ишчилар, меҳнат илғорлари, олимлар, интернационалчи жангчилар колоннаси ветеранлар колоннаси билан изма-из келмоқда. Улар «Ошкоралик ва қайта қуриш» шиорини кўтариб ўтмоқдалар. Қўлларида гулдаста ушлаб олишган, бу гулдасталарни ветеранларга тақдим этадилар.

Халқ ҳозир ёшларга алоҳида умид билан қарамоқда. Ёшларнинг ғайрати ва шижоати бўлмаса, ҳозирги босқичда партия олдимизга қўйаётган улкан вазифаларни уддалаб бўлмайди. Бу ҳақда ёшларнинг ўзлари қандай фикрда? Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари Игорь Иванча бу саволга жавоб беради:

— Икки воқеа — ВЛКСМ 70 йиллиги ва Улуғ Октябрнинг 71 йиллигини атиғи бир ҳафта ажратиб турибди. Бу рамзий маънога эга — комсомол тарихи мамлакатимиз тарихи билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги вақтда жамиятимиз турмушининг ҳамма соҳаларини қамраб олган қайта қуриш комсомолга ҳам тааллуқлидир. Ёшларга барча йўналишларда — катта сиёсий тадбирларни ўтказишда ҳам, бўш вақтни ташкил этишда ҳам ўз ижодларини ўзлари ривожлантириш учун имконият бериш зарур ва ниҳоят бу ишни мустаҳкам моддий негизда қуриш лозим. Шаҳар комсомол комитети ҳузурида «Бўш вақт» деган хўжалик ҳисобида ишловчи ёшлар фирмаси фаолият бошлади. У бўш вақтни ташкил этиш билангина эмас, шу билан бирга ёш тошкентликларни ишга жойлаштириш билан ҳам шуғулланмоқда. Фирма даромадининг кўп қисми яқинда очилган ёшлар ташаббуси фондига ўтказилади. Шу маблағ ҳисобидан комсомол-ёшларнинг «фойда бермайдиган» бирлашмаларини пул билан таъминлаш, турли ижтимоий тадбирларни ўтказиши мумкин. Шаҳар комсомол ташкилоти Улуғ Октябрнинг 71 йиллигини яхши кайфият билан кутиб олди. Тошкент ёшларининг уй-жой комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Ёшларнинг илғор усулларни жорий этадиган хўжалик ҳисобидаги фирмалари пайдо бўлди. Булар минглаб ёш тошкентлик комсомоллар фаолияти билан боғлиқдир.

Майдондаги одамлар оқими азим дарёни эслатади — майдонга Ўзбекистон пойтахтидаги завод ва фабрикалар, илмий ва маданий муассасаларнинг вакиллари, ўқувчи ёшлар кириб келадилар. Колонналарнинг байрамона безагида, плакатлардаги қисқа сатрларда бугунги ҳаётимиз акс этган. Жадвал ва схемаларда ҳозирги муваффақиятларимиз, келажакдаги марраларимиз акс эттирилган.

Майдондан Тошкент уйсозлари ўтиб бормоқдалар. Улар 2000 йилгача Тошкентдаги ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш мажбуриятини олишган. Аммо ҳозирча суръатлар план топшириқларидан орқада қолмоқда. Ҳатто байрам кунларида ҳам аҳволни қандай ўнглаб олиш ҳақида ўйлаш керак. Ибрат олса арзийдиган корхоналар бор. Биринчи уйсозлик комбинати коллективи ўн ойлик топшириқни муваффақиятли адо этди. 262 минг квадрат метрдан кўпроқ ўй-жой фойдаланишга топширилди, бу пландагидан 3 минг квадрат метр кўпдир. Улар уйларнинг панелларини Ўзбекистон вакиллари зарбдорларча меҳнат қилаётган Тюменга ҳам юборишди, қиш-қировли шимолдаги ўлкани ўзлаштиришда ҳам ёрдам бермоқдалар. Ўзбек бинокорлари бу йил нефтчилар шаҳри Няганда 700 дан кўпроқ оилани шинам квартиралар билан таъминладилар.

Колоннада ўз ўртоқлари билан ёнма-ён йирик панелли уйсозлик заводи арматурачилари бригадири А. Эрматов ҳам одим ташлаб бормоқда. У бошлиқ бўлган бригада ҳар куни смена топшириқларини 115—120 процент қилиб ado этмоқда. Коллектив социалистик мусобақада ҳамиша совринли ўринларни эгаллаяпти. Коммунист бригадир Ҳамза район партия конференциясига делегат қилиб сайланди. У бундай деди:

— Меҳнатда дуруст муваффақиятларга эришаётган коллективимиз билан фахрланаман. Аммо биз, қурувчилар, ўзимиз учунгина эмас, умумий иш учун ҳам масъулиятни ҳис этмоқдамиз. «Уй-жой» программаси қоғоздаги жимжимадор ибора бўлиб қолмаслиги керак. Шинам квартирага эга бўлиш ҳар бир оиланинг социал ҳуқуқидир, ҳозир биз замонавий тўққиз қаватли уйларда ана шундай квартиралар қурмоқдамиз. Қолоқликка барҳам бериш, хўжалик мустақиллиги шароитида ишлаётган бинокорлар нималарга қодирлигини исботлаш — бизнинг бурчимиздир.

Майдондаги байрам колонналарида бирин-кетин корхоналарнинг вакиллари ўтиб бормоқдалар. Ҳозир Ўзбекистонда саноатнинг юздан ортиқ тармоғи бор. Бундан 71 йил муқаддам чор Россиясининг чекка ва истиқболсиз ўлкаси, деб ҳисобланган республикада эндиликда ниҳоятда мураккаб компьютер техникаси, самолётлар, қудратли комбайнлар, гелиоқурилмалар ишлаб чиқарилмоқда. Қийинчиликлар ва хатолар, салбий жараёнларнинг оқибатларига барҳам бериб, Ўзбекистон индустрияси ҳар қалай ўз куч-қудратини ошириб бормоқда. Бугунги намойишчилар сафларида ишлаб чиқаришнинг чинакам байроқдорлари, ўз меҳнати билан энг қимматли ва энг зарур неъматларни яратаётган кишилар бор. Корхоналар хўжалик мустақиллигининг кенгаётганлиги, демократия ва ошкораликнинг чуқурлашаётганлиги эндиликда минг-минглаб ишчиларга ўз истеъдодларини янгитдан рўёбга чиқаришга, ишлаб чиқаришни ва бутун мамлакатни бошқаришда амалда иштирок этишга имкон бермоқда.

(Давоми учинчи бетда).

ТОШКЕНТ. 1988 йил 7 ноябрь. В. И. Ленин номли майдон. Ҳарбий парад.

В. Молгачев фотолари.

ТОШКЕНТ. 1988 йил 7 ноябрь. В. И. Ленин номли майдон. Меҳнаткашларнинг байрам намойиши.

В. Молгачев фотоси.

Революцион қадам ташлангиз

Октябрь. Революция. Бундан 71 йил муқаддам бошланган жамиятимизни янгилаш бугун янги паллага—экономикани такомиллаштириш, янада демократиялаш палласига кирмоқда. КПССнинг XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида чинакам инқилобий ўзгаришлар белгилаб берилди. Ана шу партия анжуманларининг қарорларини амалга ошириш — ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларидаги кўчалар, майдонлардан 7 ноябрь куни ўтган намойишчилар колоннали кўтариб олган транспарантларга ёзилган қайта қуриш деган сермазмун сўз қайта-қайта акс садо берди.

Байрамлар арафасида меҳнатимизга якун ясаш анъанаси бор. Эндиликда бу натижалар умид бахш этмоқда. Лекин хотиржам бўлишга ўрин йўқ. Ҳали биз ҳаммамиз биргаликда ҳал этишимиз лозим бўлган кўпгина муаммолар ва масалалар бор. Биз бу муаммо ва масалаларни биламиз, улар биздан пинҳон эмас, бу эса муҳимдир. Партия ўзининг анжуманларида ана шу масалаларни аниқ-равшан ўртага қўйди, олға қараб бориш йўлларини белгилаб берди. Ўзбекистон меҳнаткашлари, барча совет кишилари каби: биз партия билан ҳамнафасмиз, биз қайта қуриш тарафдоримиз, демоқдалар. Республика шаҳарлари ва посёлкаларида байрам намойишлари ҳам бунни тасдиқлади.

● **НУКУС**

Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳрининг меҳнаткашлари байрам намойишига шундай тетик руҳ ва меҳнат кўтаринкилиги билан чиқдиларки, бу ерда яқин орада ана шундай кайфият бўлмаган эди. Одамларнинг бу алоҳида руҳияти партия ва ҳукуматимиз ҳозир Орол денгизи муаммосини ҳал этишга катта эътибор бераётгани туфайлидир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида региондаги экология вазияти ва санитария ҳолатини тубдан яхшилашга, халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар автоном республика ҳар бир меҳнаткашининг қалбида акс садо бермоқда, уларни фидокорона меҳнатга илҳомлантирмоқда.

Намойишчилар сафларида «Аралводстрой» ихтисослашган қурилиш — бирлашма синнинг ходимлари ҳам бор. Қудратли қурилиш ташкилотлари негизида яратилган ана шу корхона зиммасига Оролни асраб қолишни таъминлайдиган, экология фалокатининг оқибатларини бартараф этишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда асосий вазифа тушади. Улуғ Октябрнинг 71 йиллиги арафасида бирлашманинг бир қанча бўлинмалари пудрат ишлари йиллик планлари муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

Қорақалпоғистон экономикасининг бош тармоғи бўлган агросаноат комплекси меҳнаткашлари байрамни катта муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Бригада пудрати, оила ва ижара пудрати жорий этилиши, интенсив технологияларнинг қўлланилиши туфайли улар сўнгги йилларда биринчи бор пахта топшириш планларининг бажарилишини таъминладилар. Планга қўшимча тарзда шоли сотилмоқда.

● **ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ**

Область шаҳарлари ва қишлоқларидаги байрам колонналарига коммунистлар бошчилик қилдилар. Улар ҳозир иш қийин кучаётган ерларда меҳнат қилмоқдалар, воқеалар содир бўлаётган жойларга бормоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент область партия ташкилотининг партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида» қарори эълон қилинганидан кейин орадан ўтган даврда кўп иш қилинди. Коммунистлар аттестацияси партия сафлари жанговарлигининг таъсирчан кўригига айланди, ҳар бир коммунистнинг топширилган иш учун масъулияти ошмоқда.

Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл корхоналарининг меҳнаткашлари ўз шаҳарларининг бош майдонларидан ифтихор билан ўтдилар. Бу ерда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми анча ортди.

Область қишлоқ хўжалигининг ходимлари Улуғ Октябрнинг 71 йиллигини муносиб кутиб олдилар. Ҳамма ерда онла ва ижара пудратининг қўлланилиши сезиларли натижалар бермоқда. Пойтахт области республикада биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш плани бажарилгани ҳақида рапорт берди. Шоликорлар ва сабзавоткорлар салмоқли хирмон кўтардилар.

● **АНДИЖОН**

Шаҳарнинг Октябрь майдони байрамона безатилган. Намойишчиларнинг колоннали ари узра қирмизи байроқлар, транспарантлар, анвойи гуллар ял-ял ёниб турибди.

Марказий минбар ёнида «Коммунар» заводи меҳнат коллективининг намояндалари ўтмоқдалар. Меҳнат шуҳрати орденларининг тўла нишондори, КПСС XXVII съезди делегати Н. Востров шахдам одим ташлаб, завод байроғини кўтариб бормоқда. Сўнгги уч йил мобайнида завод илғорлар safига қўшилди. Коллектив шаҳар ва область саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада бир неча бор ғолиб чиқди. Бу галги Октябрь байрамини завод аҳли ўн ойлик планни барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажариб нишонламоқда.

Областдаги бошқа кўпчилик корхоналарда бўлганидек, бу ерда ҳам социал масалаларни ҳал этиш учун кўп иш қилинмоқда. Ҳар бир цехда корхона аҳлининг куч-ғайрати билан яхши маиший шароитлар яратилди. Руҳий тетиклашиш ва дам олиш хоналари, спорт тренажерлари, сауналар бор.

Корхонада қарийб 20 га яқин миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ меҳнат қилмоқдалар.

● **ЖИЗЗАХ**

Байрам юришида шаҳарликлар билан биргаликда Жиззах атрофидаги хўжаликларнинг қишлоқ меҳнатчилари ҳам иштирок этдилар.

Минбар ёнидан 1-бинокорлик материаллари комбинати, пластмасса заводи сингари пешқадам корхоналарнинг коллективлари ўтадилар. Улар социалистик мусобақа байроқдорларидир.

Хўжалик юритишнинг янги формаларини фаол жорий этаётган Жиззах тикувчилари юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқдалар. Яқин-яқингача ҳам трикотаж бирлашмаси коллективи ҳом ашё тақчиллигидан ранжиб келарди. Эндиликда эса яна бир хато тузатилиб, бирлашма ҳузурида ип йигирув фабрикаси ишлай бошлади, бу эса дарҳол аҳволни ўнглаб олиш, иш суръатини оширишга имкон берди.

● **БУХОРО**

Область марказидаги намойиш иштирокчилари «Яшасин қайта қуриш!» деб хитоб қилдилар. Улар кўтариб бораётган транспарантларга осон бўлмаётган янгиланиш йўлида эришилаётган дастлабки ютуқлар тўғрисидаги рапортлар ёзилган.

Ўн ойлик ишлаб чиқариш программасини муддатидан илгари бажарган саноат корхоналари комбинати коллективи намойишга яхши кайфият билан чиқди. Мазкур комбинат областда биринчилар қатори хўжалик ҳисобига ўтди. Меҳнат аҳли текисчиликка барҳам бериб, дангасалар билан хайрлашди. Ишнинг конкрет участкаси учун жавобгар бўлган одамларда хўжайинлик туйғуси пайдо бўлди. Меҳнат унумдорлиги ошди. Ишчиларнинг турмуши, иш шароити яхшиланмоқда.

Бошқа колонналар узра ҳам «Хўжалик ҳисоби биздан имтиҳон олмоқда» деган сўзлар ёзилган транспарантларни кўриш мумкин эди. Бухоро областининг меҳнаткашлари янгичасига ишлашга ўрганмоқдалар. Иш ҳамма ерда ҳам ҳали кўнгилдагидек бораётгани йўқ. Аммо қайта қуриш, иқтисодий ислоҳот ҳаётимизда тобора теран илдиз отмоқда. Трикотаж ва зардўзлик буюмлари фабрикалари, қоракўл заводи, «Бухорогаз» бирлашмаси, уйсозлик комбинати коллективларининг иши тобора унумли бўлмоқда.

● **ҚАРШИ**

Қашқадарё областидаги Шўртан газ кони республикамиздаги энг асосий «зангори олов» манбаидир. Йил бошидан бери қудуқлардан 1 миллиард кубометр планга қўшимча углеводород ҳом ашёси қазиб олинди. Газчилар Қарши шаҳрида бўлган байрам намойишига фахрифтихор туйғулари билан чиқдилар.

Шўртан газчилари область марказида ҳам, Ғузор шаҳрида ҳам уй-жой, маданий-маиший муассасалар қуришмоқчи. Ғузорда 5 минг аҳолига мўлжалланган микрорайон барпо этилади.

Намойишчилар колонналарида агросаноат комплекси вакиллари ҳам бор. Уларнинг байрамга туҳфалари салмоқлидир. Кўп йиллардан бери биринчи марта деҳқонлар пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажардилар. Мактаб ўқувчилари йиғим-теримга чиқишгани йўқ. Моддий ишлаб чиқариш бошқа соҳаларининг ходимлари ҳам ўз ютуқлари тўғрисида рапорт бердилар.

Амалий ишларда иштирок этиш, ўқиш чоғидаёқ тадқиқот ишлари билан машғул бўлиш давримизнинг эзгу нишоналаригa айланмоқда. Самарқанд давлат университети химия факультети олимлари ва студентларининг биргаликдаги тадқиқотлари атроф-муҳитни назорат қилиш учун асбоблар ва методлар яратишнинг негизи бўлди.

Қайта қуриш қишлоқ хўжалик институти студентлари учун ҳам янги истиқболлар очди. Ана шу олий мактабнинг илмий бисотида жиддий тадқиқотлар бор. Областдаги бир қанча хўжаликларнинг деҳқонлари олимларнинг маслаҳати ва тавсияларига амал қилиб, узоқ вақтдан бери бу ерларда экилмаётган шоли, батат, ерёнғоқ, соя, чумиза каби экинлардан яхши ҳосил етиштирдилар.

В. И. Ленин номли майдондан шаҳардаги бошқа олий ўқув юртларининг студентлари, кўпдан-кўп техникумлар, мактаблар, ҳунартехника билим юртларининг ўқувчилари ўтдилар. Кўҳна шаҳар яшармоқда. Янги авлод мураккаб ишларни дадиллик билан ўз зиммасига олмоқда.

ТЕРМИЗ

Халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга даъватлар Термизда бўлган байрам намойишининг асосий мавзуларидан бири бўлди. Чегарадаги шаҳар меҳнаткашлари бутун Сурхондарё меҳнатчилари сингари Афғонистон Республикасига катта ёрдам бермоқдалар. Область мамлакатимизда биринчи бўлиб Афғонистоннинг Балх вилояти билан оталиқ алоқалари ўрнатди. Вилоят ва областга делегациялар келиб туришибди, айрим коллективлар ўртасида оталиқ шартномалари тузилди. Балх аҳолисига бир неча марта саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, мактаб ўқувчилари учун товарлар, дори-дармон жўнатилди.

Намойишчилар сафида Афғонистон учун экспорт-импорт юклари ташиётган транспорт ташкилотлари, Термиз дарё портининг вакиллари бор эди. Улар қўшни мамлакатга озиқ-овқат ва бошқа товарларнинг узлуксиз етказиб берилишини таъминламоқдалар, бу мамлакатдан Афғонистоннинг анъанавий экспорт товарлари бўлган гиламлар, қуруқ мева ташиб келмоқдалар.

Областдаги пахта тозалаш заводлари ҳам чет элларга маҳсулот жўнатмоқда. Сурхондарё заводлари тамғаси босилган маҳсулот Югославия, ГФР, Япония, бошқа мамлакатларга чиқарилмоқда. Ипак пахта навидан олинган тола экспортнинг анчагина қисмини ташкил этади. Байрам арафасида тайёрлов пунктларига планга қўшимча равишда 30 минг тоннадан кўпроқ ана шундай пахта етказиб берилди.

ФАРҒОНА

Намойишчилар колонналарининг биринчи қаторларида комсомол ветеранлари ва ёшлар боришди. Улардан кейин минбарлар ёнидан ишчи гвардияси ўтди. Область корхоналари ўртасида октябролди социалистик мусобақасининг ғолиби бўлган «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи қўшма колоннанинг олдида боришдек шарафли ҳуқуққа мушарраф бўлди. Кимёгарлар бу йил планга қўшимча равишда саккиз миллион етти юз минг сўм фойда олдилар.

Фарғона пойафзалчилари қайта қуриш соҳасида сезиларли самараларга эришдилар. Ўн ой мобайнида планга қўшимча тарзда тўрт миллион саккиз юз минг сўмлик маҳсулот сотилди. Химиявий тола заводи, мебель фабрикаси ҳамда хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтган бошқа саноат корхоналари минбарлар ёнидан меҳнат зафарлари тўғрисидаги рапортларни кўтариб ўтдилар. Ушбу корхоналарнинг коллективлари қайта қуришни маъқуллямоқдалар, чунки қайта қуриш уларга мустақиллик, ишга ижодий ёндашиш имкониятини бермоқда.

УРГАНЧ

Байрам намойишини мактаб ўқувчилари бошлаб бердилар. Улар октябрь байрамига бу йил илгаридан кўра яхши тайёргарлик кўрдилар. Бунинг учун улар ихтиёрида вақт етарли эди. Уларни бу йил пахта теримига юборишгани йўқ.

Ленин ҳайкали ёнидан область пионерлар ва ўқувчилар саройининг ёш барабанчилари шахдам қадам ташлаб ўтдилар. Улар байрамга атаб «Октябрь пионерлари» янги композициясини тайёрладилар. 117-мактаб-интернат, қурилиш техникуми, педагогика билим юртининг ўқувчилари ўзларининг духовой оркестрлари куйлари садоси остида минбарлар ёнидан ўтишди.

Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари мингминглаб илғорларининг колоннали ари узра меҳнат зафарлари тўғрисидаги рақамлар ёзилган транспарантлар бор эди. Бу транспарантларни машинасозлар, тўқимачилар, газчилар, ирригаторлар кўтариб чиқишди. Хўжалик юритишнинг янги методларини фаол жорий этаётган, демократиялаш жараёнларини сўзда эмас, балки амалда рўёбга чиқараётган коллективлар муваффақиятларга эришмоқдалар.

* * *

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида Улуғ Октябрь социалистик революцияси 71 йиллигининг байрам қилиниши меҳнаткашлар Ленин васиятларига садоқатининг ҳаяжонли ва ёрқин намойишига айланиб кетди, партия билан халқ бирлиги тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатди. Республика меҳнаткашлари КПССнинг ҳаётимиз барча соҳаларини тубдан қайта қуришга қаратилган бош йўлини қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар. Байрам намойишлари чоғида партия ва ҳукуматимизнинг тинчликни ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсий фаолиятни ҳам қўллаб-қувватловчи сўзлар янгради. Ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, зиёлиларнинг намояндалари янги меҳнат зафарлари билан кўп миллатли мамлакатимиз куч-қудратини мустаҳкамлашга, партия XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини бажаришга азму қарор қилганликларини айтдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси 71 йиллигининг байрам қилиниши тўғрисидаги репортажни ЎзТАГ мухбирлари Р. Бичурин, Е. Величанская, П. Водолазов, В. Драчев, Л. Елизаров, Ю. Иброҳимов, К. Низомов, С. Рухмалев, В. Татаринов, Л. Токарев, В. Шумайлов тайёрладилар.

ИШ ВА РЕЖАЛАРИМИЗНИ ТАҚҚОСЛАБ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи betларда).

Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўп минг кишилик коллективи ҳар ойда неча юз минг метрлаб турли газлама тўқимоқда. Аммо бугунги кундаги иш суръатлари бу ерда ҳеч кимни қаноатлантираётгани йўқ. Умуман ўн ой мобайнида маҳсулот етказиб бериш плани бир неча процент кам бажарилди. Октябрь ойида эса тўқимачилар ғайрат-шижоат билан ишлаб, топшириқни барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этдилар. Хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтиш, реконструкция бунга ёрдам берди.

Тўқимачилар бу йил шонли пахтакорлардан миннатдор бўлмоқдалар. Комбинатга бу йилги ҳосилнинг дастлабки тонналари кела бошлади. Комбинатга келтирилган ўртача толали пахта фақат биринчи сорт билан қабул қилинди. Демак, газламаларнинг сифати ҳам юқори бўлади.

В. И. Ленин номли майдондан ўз дугоналари билан бирга Р. Аҳмедова ҳам ўтмоқда. Опа-сингил тўқимачи Виноградовалар номли мукофот лауреати бўлган бу аёл йиллик планни муддатидан илгари бажарди, 21 ишлаб чиқариш илғори билан биргаликда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси очиладиган кунгача беш йилликнинг тўрт йили плани бажарилгани ҳақида рапорт берди. У бундай деди:

— Муваффақиятларим ҳозирча катта эмас, деб ҳисоблайман. Тўқувчи С. Никитина, мастер ёрдамчиларидан Ю. Мадаминов, Р. Пўлатов сингари мусобақа пешқадамларидан ўрнак олиш керак. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ беш йиллик планни бажариб қўйишди. Улар катта байрамимиз нишонланадиган кунгача қўшимча равишда 2 миллион метрдан кўпроқ хом сурп тайёрладилар. Комбинатимиз коллективи йиллик топшириқни уддалашига ишонаман. Республикамиз, мамлакатнинг бошқа регионлари меҳнаткашлари минг-минглаб метр чиройли, пишиқ газлама оладилар.

Метро бунёдкорлари, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Алгоритм» заводлари коллективлари ва бошқа анчагина корхоналар социалистик мусобақа байроқдоридирлар, тошкентликлар бу коллективлар билан фахрланадилар. Улар йил сайин ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириб бормоқдалар, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳақида ўйламоқдалар. Аммо ишчилар синфининг энг яхши намояндалари қўлга киритилган марралар ҳозир партия мамлакатни бошлаб бораётган катта йўлдаги дастлабки одимлар эканлигини яхши тушуниб турибдилар. КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини тўла-тўкис бажариш учун ҳар бир киши зўр бериб меҳнат қилиши керак. Шундай ишлаганимиздагина халқ фаровонлигини анча ошириш, турмуш орзу қилганимиздек бўлишига эришиш мумкин.

«Ташсельмаш» заводи коллективи намойишчилар колоннаси майдондан ўтаётган пайтда биз слесарь-йиғувчилар комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари Дилшод Сайфуллаев билан суҳбатлашдик. Ёш ишчининг кўп нарсалар ҳақида фикр юритиши, кўп нарсалар ҳақида ўйлаши сезилиб турибди.

— Бу йил бутун республика пахтакорларнинг ишини кузатиб турди. 1988 йилда ҳосилнинг қарийб ярми машиналар билан териб олинди. Ахир, бу комбайнлар бизнинг заводимизда тайёрланган, уларни ўз қўлларимиз билан ясаганмиз. Шу боисдан ҳам биз, қишлоқ машинасозлари зиммасига жуда катта масъулият тушади. Ҳозир пахта териш машиналарининг янги типларини яратиш ҳақида кўп гапирилмоқда. Аммо ҳозирча комбайнларнинг янги тури йўқ экан, ҳозирги моделларпанд бермай ишлашига эришишимиз лозим. Сифат муаммоси хусусида фақат завод раҳбарларигина ўйлашаётгани йўқ. Корхона хўжалик ҳисобига ўтганидан буён бу масала ҳар биримизни ҳаяжонга солиб турибди. Бизнинг 15-механика-йиғув цехимиз комбайннинг бир қанча асосий ишчи деталларини тайёрлайди. Ёшларнинг ташаббуси билан комсомолларнинг доимий сифат группасини туздик. Бу группага энг принципиал комсомоллар сайланди. «Комсомол прожектори»ни ҳам жалб этдик. Бракчиларгагина эмас, маъмуриятга ҳам қаршилик қилишга тўғри келди. Эндиликда Давлат қабули ходимлари цехимиз коллективи ишига деярли эътироз билдиришаётгани йўқ. Аммо қўшни тайёрлов цехидаги ҳамкасбларимиз баъзида илгаригидек панд бериб қўйишяпти. Ўзгаларнинг айби учун жавоб бераверши жонга тегди. Комсомол аъзолари тартиб ўрнатишга қарор қилдилар. Брак деталларнинг навбатдаги туркуми келганидан кейин акт тузиб, цех раҳбарларига юбордик. Аммо ҳозирча жавоб олганимиз йўқ. Комсомол аъзоларининг кучига ишонишмаяпти. Аммо биз бўш келмоқчи эмасмиз, энди «Комсомол прожектори»ни ҳам ишга солмоқчимиз. Мақсадимизга эришамиз.

Дилшод пахта ҳақида сўзлаганида, дархол хаёлимиздан бир гап ўтди. Бу галги намойишнинг авваргиларидан фарқ қиладиган яна битта жиҳати бор. Ваъда берилганидек, студентлар пахта даласидан байрам арафасида қайтишди, тошкентлик мактаб ўқувчилари теримга жалб этилмади. Ўзбекистон далаларидан йиғиштириб олинган пахта салмоғи илгари бўлганидек, яхлит ва дабдабали эмас, аммо бу «оқ олтин» хирмони қоғоздаги рақамларни эмас, балки реал ишларимизни акс эттиради. Гарчи бу мавсумда ҳам айрим районларда кўшиб ёзишни тарк этишмаган бўлишса ҳам — ҳар қалай, ҳали ҳам ўтмиш сарқитлари бор ва биз ҳаммамиз бунга қарши қатъий курашишимиз керак — аммо, порахўрлар, бюрократларнинг анча таноби тортиб қўйилди. Бу ҳам қайта қуриш жараёнининг муқаррарлигидан далолат бериб турибди.

Тошкент меҳнаткашларининг байрам намойиши ниҳоясига етмоқда. Ўн беш қардош республика халқларининг миллий кийимларини кийган йигит ва қизларнинг қўшма колоннаси майдонга кириб келади. Ана шу группа тўсатдан чор-атрофга ёйилиб кетиб, рақс майдонини ҳосил қилади. Шу ерда рақс группаси «Революция ҳақидаги баллада» сюитасини ижро этади. Рақс, нафис ҳаракатлар ва имо-ишоранинг ифодали воситалари орқали мазкур сюитада революциянинг ғолибона одимлари, инқилоб ғояларининг ворислиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Тошкентнинг бош майдонидаги байрам ниҳоясига етмоқда. Эндиликда шодиёна шаҳар боғлари, бошқа майдонлар ва хиёбонларига кўчади. Ўзбекистон пойтахтида халқ сайллари ярим кечагача давом этди. Кечқурун минг-минглаб тошкентликлар байрам мушакбозлигини томоша қилдилар. Барча эстрада майдонларида, маданият саройлари ва уйларида Ўзбекистон санъат усталари ва ҳаваскор артистларнинг концертлари бўлди.

В. И. Ленин номли майдондан репортажни ЎзТАГнинг махсус мухбирлари В. ГЛАДИЛОВ, В. ДРАЧЕВ, А. ИВАНОВАлар олиб бордилар.

ХИРМОНГА БАРАКА! 1988

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 7 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
БУХОРО	0,36	110,16	0,45	89,81
ТОШКЕНТ	0,08	108,90	0,06	111,18
ХОРАЗМ	0,25	108,61	0,36	69,72
ҚАШҚАДАРЁ	0,24	104,84	0,19	112,35
ҚҚАССР	0,47	100,59	0,17	94,12
Сурхондарё	0,73	99,42	0,16	92,06
Сирдарё	0,29	98,44	0,22	108,06
Наманган	0,54	95,43	0,24	68,26
Фарғона	0,42	95,30	0,09	42,03
Самарқанд	0,86	88,37	0,46	83,28
Андижон	0,48	74,99	0,18	30,39
Республика бўйича:	0,44	97,72	0,23	83,86
Шу жумладан нигичка толали пахта:				
САМАРҚАНД	2,02	120,74	3,17	121,10
СУРХОНДАРЁ	0,84	113,85	0,24	171,32
ҚАШҚАДАРЁ	0,45	109,08	0,45	153,07
Наманган	0,46	99,68	—	—
Бухоро	0,16	15,98	0,35	10,70
Республика бўйича:	0,71	107,61	0,36	160,33

ПЛАН ТЎЛДИ, НАВБАТ— МАЖБУРИЯТГА

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ ЗАРШУНОСЛАРИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Республикамиз жанубидан хушхабар тарқалди: Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги кунида сурхондарёлик пахтакорлар план бажарилгани тўғрисида рапорт бердилар. Она-Ватан хирмонига 480 минг тоннадан знёд оқ олтин армуғон этилди. Унинг 360 минг тоннаси тўқимачилик саноати учун қимматбаҳо ҳисобланган ингичка толали хом ашёдир. Кўзда тутилганидан қариб 40 минг тонна знёд ипак пахта тайёрланди.

Область колхозлари ва совхозларининг барча меҳнаткашлари йил бўйи қизғин, фидокорона ишлаганликларининг оқибатида ана шундай катта ютуқ қўлга киритилди. Пахтакорлар бу йил тармоқда турғунлик даври оқибатларини бартараф этиб, ишни қайта қуриш талаблари асосида ташкил қилиб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказдилар. Илғор тажриба ва фан ютуқлари, замонавий иш усуллари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилди, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланилди.

Мавсумни уюшқоқлик билан бошлаган сурхондарёликлар терим қизғин кезларида кунига салкам 15 минг тоннагача дурдона тайёрлашдики, бу йиллик планнинг 3 процентдан знёдини ташкил қилди.

Механизацияга тобора кенгроқ суянган пахтакорлар ялпи хирмоннинг ярмидан кўпроғини машиналар ёрдамида саранжомлашди. Бойсун, Шеробод, Ленин йўли ва Гагарин районларининг механизаторлари катта муваффақиятларга эришдилар. Шу районларда машина терими планн 115—140 процент қилиб уддаланди. 190 минг тонна ипак пахта пўлат этаклардан тўкилди ва бу борадаги топшириқ 170 фоиз адо этилди.

План бажарилди. Лекин сурхондарёлик азаматлар йиғим-теримни кўтаринки кайфиятда давом эттирмоқдалар. Улар суръатни бўшаштирмай, даладаги бор ҳосилни саранжомлаш ниятидалар.

(Область меҳнаткашлари зафари ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил ҳикоя қиламиз).

ЗАРШУНОСЛАР АРМУҒОНИ

Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли колхоз меҳнаткашлари бир неча кундан бери мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Бу йил хўжалик аҳли ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирди. Мавсум кўтаринки кайфиятда, уюшқоқлик билан олиб борилди. Натижада 1.685 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,5 центнердан хирмон кўтарилиб, 26 октябрда йиллик план адо этилди. Ҳозиргача қабул пунктларига етказиб берилган оқ олтин 5.300 тоннадан ошди. Шуниси қувончлики, тайёрланган хом ашёнинг 93 фоизи ёки 4.900 тоннаси биринчи сортга ўтди.

Хўжаликда юқори ҳосилли коллективлар сафи тобора кўпаймоқда. Оллон Темиров, Мамаюсуф Нормуродов, Нортожи Каранов бошлиқ агроучасткаларда ҳосилдорлик планга нисбатан гектар бошига 3 — 4 центнер кўпайди. Абдурахмон Норбоев, Лола Қувондиқова, Мамарасул Махсумов, Абрай Донабоев бошлиқ бригадалар бугунгача топшириқни 115 — 125 процент қилиб бажардилар.

— Механизатор ва теримчиларимиз суръатни бўшаштиришгани йўқ, — дейди правление раиси Жўра Норалиев. — Даладаги бор ҳосилни саранжомлаб олмагунча курашни тўхтатмаймиз. Мавсум мусобақаси қизғин давом этяапти. Бу беллашувда Ўринбой Ҳайитов, Рашид Фармонов, Назар Бозоров, Қўшоқ Поёнов, Исмоил Маҳмудов, Тоғай Шопиев каби механизаторлар, Ойбаланд Ортиқова, Муҳаббат Сатторова, Хосият Умирова, Раъно Диёрова, Ойхол Омонқулова, Гулсара Омонова, Жамила Эрназарова сингари чеварлар илғорликни қўлдан беришмаяпти.

Колхоз заршунослари ҳосилдорликни гектар бошига 34 центнерга етказиш, она-Ватанга пландан ташқари 500 тонна пахта сотишни кўзламоқдалар. Шунингдек кузги-қишки тадбирларни бошлаб юбориш тараддуди кўрилаяпти.

Э. ИСМОИЛОВ.

МУКОФОТ МУБОРАК

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифларини кўриб чиқди. Шунга биноан комитет фан, техника соҳасида ҳамда дарсликлар яратиш бўйича 1988 йилги СССР Давлат мукофотларини беришга қарор қилди.

Бу юксак мукофотга сазовор бўлганлар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси У. О. Орипов номидаги электроника институти директори, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси **Уткир Ҳасанович РАСУЛОВ** ҳам бор.

Ў. Ҳ. Расулов мамлакатимизнинг бир гуруҳ йирик олимлари ва мутахассислари қаторида «1965 —1984 йилларда қаттиқ жисмлар юзасидаги нейтраль ва зарядланган зарраларнинг термик десорбцияланиш жараёнларини тадбиқ этиш» деган туркум ишлари учун фан соҳасида СССР Давлат мукофотининг лауреати бўлди.

Биз олимни бу юксак мукофот билан қизғин табриклаймиз.

КЎКДАЛАДА «ЁШ ЛЕНИНЧИ» БАЙРАМИ

МАТБУОТ ВА ҲАЁТ



СУРАТЛАРДА: 1. Совхоз ветеранлари ўқувчилар даврасида. 2. Савдо расталари харидорлар билан гавжум бўлди. 3. «Ижодкор» ва «Олтин бошоқ» командаларининг учрашувини Ворошилов номли совхоз ишчисининг ўғли Марадона Уролов бошлаб берди. 4. Қамашилик Элмурод полвон Тошев ва унинг қизи Юлдуз чиқишларн ҳам томошабинлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Е. БОТИРОВ фотолари.

Чўлдаги бу хўжаликда газета байрамини ўтказиш ҳақидаги таклиф ўртага ташланганда редакция журналистлари кўпдан-кўп мулоҳазаларга бордилар: «Майли, биз бу фикримизни мезбонларга билдирдик ҳам дейлик. Аммо пахта-чи, пахта! Область карвонбошилар сафида бораяпти — бу ҳақиқат. План тўлса нур устига аъло нур. Аммо 29 октябргача план тўлмай қолса-чи, байрамда ким қатнашади? Раҳбарлар рухсат беришармикин?»

Мухбиримиз таклифни олиб Қаршига учди. Раҳбарларга етказди.

«Бош устига. Бемалол келаверинг. Комсомол тўйигача албатта рапорт берамиз. Борди-ю бажаролмасак ҳам биргаликда байрам қиламиз, ҳам бирга пахта терамиз», дейишди чўлқуварлар.

Биз Тошкентда ҳам байрамга ҳозирлик кўрардик, Қашқадарёда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотни ҳам ҳаяжон билан кузатиб борардик.

Редакциямизнинг ўз «Ижодкор» футбол командаси борлиги кўпчиликка маълум. Футболчиларимиз мухбиримизнинг «Кўкдала» совхози директори билан суҳбатидаги «Командангизга етказиб қўйинг, мезбон бўлсак ҳам беллашувда меҳмонларни аяб ўтирмаймиз» деган сўзларни эшитиб, яна Тошкентда «Пахтакор» марказий стадионига тўпландилар. Бу гал улар бу ерга машқ учун эмас, балки Ўзбекистон телевиденнеси спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаевни ўзлари билан олиб кетиш ҳамда пахтакорчиларнинг тўп суриш техникасини сўнгги маротаба кузатиш учун келдилар. Карпатининг Армия спорт клуби билан учрашувда «Пахтакор» нечта гол урса, биз ҳам «Кўкдала»нинг «Олтин бошоқ» командаси дарвозасини шунча марта нишонга оламиз», деб ахд қилишди «Ижодкор» футболчилари. «Пахтакор»да голлар сероб бўлди: жавобсиз бешта тўп. Афсуски, «Ижодкор»... Бу ҳақда, яхшиси, кейинроқ тўхталамиз.

Газетанинг байрам сонини саҳифалаш билан банд бўлиб стадионга боролмаган журналистлар ҳам армонда қолишмади. Улар газетани чоп этишга киришиш арафасида хушхабар келди: «Қашқадарё области пахтакорлари йиллик планни бажардилар». Демак, эртага тонг ёриши билан пойтахтликлар табригини биринчи бўлиб ўзимиз етказамиз.

...Спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев «Пахтакор» стадионидаги дикторлик кабинасидан тушиб, тўғри темир йўл вокзалига келди. Унинг иш куни ҳали тугамаган эди. Яқиндагина Сеулдаги олимпиада ўйинларидан қайтганини кўпгина йўловчи мухлислар яхши билишаркан. Севимли, ёқимтой шарҳловчидан дастхатлар олишди. Ҳозиргина радиокарнайлардан, телевизор экранларидан унинг таниш овозини эшитган айрим мухлислар эса Ахбор аканинг бир зумда вокзалда ҳозир бўлганига қараб туриб ҳам ишонқирашмади.

«Тошкент — Китоб» тезюрар поезди чўл узра оппоқ тонг отаётган маҳали қўриқ Қашқадарё области минтақасига кирди.

...Уша куни «Кўкдала»га оқиб келувчиларнинг адоғи бўлмади. Йигитлар, қизлар, чоллару ҳампирлар, болакайлар келавершди, келавершди. Машиналар номерларига қараймиз: уларнинг Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва бошқа областлардан эканлигини фаҳмладик. Машинаси бўлмаганлар самолётда, поездда, отда, эшак араваю велосипедларда келишарди. Халқни бу ерга журналистлар билан бўладиган мулоқотлар, учрашувлар шоширарди. Уларни шеърият мушоирасига, куй ва қўшиққа, дилдан суҳбатга чанқоқлик, ташналик шоширарди. Кўкдалаликларни бу ерга қайта қуришга, келажакка ишонч руҳи, турмушимизда рўй бераётган покланиш, янгиланиш, туб ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси чорларди. Кўнгилларга далда, тасалли берарди.

— Кўкдалаликлар ва умуман бизнинг Чироқчи районимиз комсомоллари ҳеч қачон бунчалик ғайрат кўрсатиб ишлашганини эсолмайман, — деди район комсомол комитетининг биринчи секретари Аъзамхон Нарзуллаев бизни кутиб оларкан ҳаяжонини яширолмай. — Газетада эълон чиққан кундан буён кўпчилик теримчиларимиз бир ярим-икки норма пахта тердилар. Байрамда оёқ узатиб бемалол ҳордиқ чиқарайлик, деб.

Совхознинг марказий қўрғони. Ҳаммаёқ алвонранг байроқлар, илҳомбахш шиорлар ва транспарантлар билан безатилган. Карнай-сурнай садолари даштдаги посёлка узра узоқ-узоқларга таралади. Биринчи бўлиб қизил галстуклилар меҳмонларга кўриқ гулларидан тақдим этдилар. Кўкдалалик партия, комсомол, уруш ва меҳнат ветеранлари билан журналистлар саммимий қўл олишишди. Уларни комсомолнинг 70 йиллик қутлуғ тўйи билан муборакбод этишди.

Қисқа суҳбатлардан сўнг ҳамма доҳий Ленин ҳайкали томон юрди. Ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйди. Сўнгра Номаълум солдат қабри ва «Кўкдала»дан чиққан биринчи ўзбек механизатори Анзура Жўраева қабри гулдасталарга бурканди. Байрам қатнашчилари кўкдалалик жасур қиз ёдгорлиги ёнига дарахт кўчатлари ўтқаздилар.

Совхоз марказидан ўтувчи йўлнинг ўнг томонидаги стадион ва байрам учун ҳозирланган майдон, кўкдалаликларнинг гувоҳлик беришларича, ҳеч қачон бунчалик гавжум бўлмаган. Бу ерга байрамона тус бериш учун «Кўкдала» совхозидаги ҳар бир қари-ёш тиним билмай меҳнат қилиб, ўз ҳиссасини қўшди. Ҳар эҳтимолга қарши қурилган икки минг кишилик чодирга киришга ҳожат қолмади. Унинг ёнидаги баланд ва кенг саҳнага Қашқадарё областининг турли бурчакларидан ташриф буюрган халқ ансамбллари, ҳаваскорлик коллективлари бирин-кетин кўтарилиб, қўшиқ ва рақслар ижро этишмоқда. Майдон атрофидаги савдо расталаридан истаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин.

— Ҳамма стадионга! — деган эълон янгради.

— Ўзбекистон телевиденнеси ва радиоси микрофонлари одатдагидек «Пахтакор» стадионида эмас, Қашқадарё область Чироқчи районидаги «Кўкдала» совхозида ўрнатилган...

Бу спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаевнинг овози эди. У командалар ўйинчилари билан спорт мухлисларини таништириб бўлгач, эълон қилди; — Бугунги «Ижодкор» ва «Олтин бошоқ» командалари учрашувини «Комсомольская правда» газетасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири Мирзаахмад Алимов бошқариб боради.

Ўйин бошланди. Ўйин эмас, «рақиблар» ўртасида кескин спорт курраши. Очиғи, кўкдалаликлар ҳам, журналистлар ҳам учрашувнинг бундай қизғин ўтишини кутишмаган эди. Аммо ўйин охирида ўз ҳамюртлари ва ҳамкасбларига «Ижодкор»дан кўра «Олтин бошоқ» кўпроқ қувонч ҳадя этди. Қизиқарли ўтган учрашув 4:3 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди. Совхоз ишчиси— кетма-кет иккита гол урган Қаҳрамон Қозоқов учрашув қаҳрамони бўлди.

Совриндорларга мукофотларни «Ёш ленинчи» газетаси редактори Жаббор Раззоқов топширди. Сўнгра совхоз ишчиларининг журналистлар, ёзувчилар, шоирлар билан мулоқоти бўлиб ўтди. Куй ва қўшиқлар авжига чиқди. Ўзбекистон телевиденнесининг «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» кўрсатувидан кўпчиликка таниш хонанда Маҳмуджон Азимовнинг асрлар тақдирини куйловчи қўшиқлари, Ўзбекистон давлат филармониясининг яккахон солисти Уктам Аҳмедовнинг дилларни қитиқловчи шўх яллалари йигит ва қизларни даврага чорлади. Қашқадарё областининг шаҳар ҳамда қишлоқларидан ташриф буюрган халқ ансамбллари, ҳаваскорлик коллективлари ҳам бирин-кетин навбат олиб катта саҳнага чиқдилар. Айниқса Қарши шаҳар маданият уйи қошидаги «Чўл чамани» ашула ва рақс халқ ансамблининг чиқишлари, Эгамберди Тўраевнинг ҳазил қўшиқларию Шомурод бахшининг мақомлари йиғилганларни хушнуд этди. Шунингдек, қамашилик цирк артистларининг томошалари ҳам катта таассурот қолдирди.

«Кўкдала»да ўтган газета байрамининг томошалари, ўйин-кулги, мулоқотлар оқшомгача давом этди.

С. РУСТАМОВ,
«Ёш ленинчи» мухбири.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 10 ноябрь, пайшанба куни чиқади.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН! «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»ГА 1989 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИШНИ ЛУТФАН ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

АГАР 7 СЎМ 80 ТИЙИН ТЎЛАСАНГИЗ, ЙИЛ ДАВОМИДА ГАЗЕТАНИНГ 300 СОНИНИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ОЛАСИЗ. ОБУНА «СОЮЗПЕЧАТЬ» ИДОРАЛАРИДА, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ, ЎҚИШ, ЯШАШ ЖОЙИНГИЗДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Газета дилкаш суҳбатдошингиз, ишончли сирдошингиз, маслаҳатгўйингиз бўлиши, сизни хурсанд ва хушнуд этишига таҳрир ҳайъати, журналистлар кафолат беришади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р. — 14214. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2138. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12